

АЛЬБЕР КАМЮ ИЖОДИДА ЭКЗИСТЕНЦИАЛИЗМ

Азамжонова Сарвиноз

ЎзДЖТУ 1 курс талабаси

Илмий раҳбар: Давронова Зульфия

ЎзДЖТУ катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада француз экзистенциализмнинг вакили Альбер Камюнинг инсон мавжудлигининг экзистенциялари фалсафий концепция нуктаи назаридан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: экзистенциализм, инсон борлиги, онг, абсурдлик, эркинлик, масъулият, ёлғизлик, ўлим, кўкув, умид, севги.

Abstract: The article analyzes the existential of human existence in the philosophical concept of the outstanding representative of French existentialism Albert Camus.

Keywords: Existentialism, human existence, consciousness, absurdity, existentials, freedom, responsibility, loneliness, death, fear, faith, hope, love.

Бугунги кунда Ўзбекистонда модернистик йўналишида ижод қилган ғарб ёзувчилари қатори таниқли француз адиби Альбер Камю ижодига катта қизиқиш бўлмоқда. Бунга адиб асарларини ўзбек тилига таржима қилиш, ижодий меъросини назарий, қиёсий ва типологик нуктаи назаридан тадқиқ этиш ва ёзувчи ижодини олий таълим муассасаларида кенг ўрганиш борасидаги ишлар мисол бўлиши мумкин.

Француз ёзувчиси ва файласуфи Альбер Камю ўтган асрнинг 50-йилларида жаҳон интеллигенцияси тафаккури ва дунёқарашига катта таъсир кўрсатган ижодкорлардан бири саналади. Унинг фалсафий қарашлари хусусида фикр юритадиган бўлсан, у ҳеч қачон ўзини донишманда файласуф, устига устак экзистенциализм тарафдори деб ҳисобламаганлигини шохиди бўламиз. Нима бўлганда ҳам, экзистенциализм фалсафаси Камю ижодига таъсир кўрсатганлиги шубҳасиз. Айни пайтда унинг экзистенциализм руҳидаги масалаларга шуурли ва ғайришуурий равишда мойиллиги, энг муҳими, болалигидан давосиз хасталикка чалинганлиги ва касаллик билан олишиб ижод қилиш экзистенциализмга яқин ғоя ва фикрларни илгари сурганлигини, қисман бўлса-да, изоҳлайди.

Ғарбда индивидуализм куйчиларидан бири сифатида баҳоланиб келган ва ижод намуналари 40-йилларидаёқ дунёда машҳур бўлган Альбер Камю асарларидан биронтаси ҳам бизга маълум сабабларга кўра, XX асрнинг 90-йилларига қадар ўзбек тилига таржима қилинмаган. Бироқ Альбер Камюни Ўзбекистонда, асосан, рус тилига қилинган таржималар орқали билишар эди. Айниқса, ижодкор ва зиёлилар орасида 80-йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан унинг ижодига қизиқиш ортиб борганлигини кузатиш мумкин. Бу даврда ғарбдаги турли фалсафий таълимотлар қаторида экзистенциализм фалсафасига ҳам қизиқишнинг ортанлиги Альбер Камю ижодини ўрганишга кенг йўл очди. Натижада адабиётшуносликда А.Камю ижодининг Ўзбекистонда ўрганилиши адабий жараёнга таъсири муаммоси пайдо бўлди.

Бундан ташқари, А.Камю абсурд, ҳаёт ҳамда ўлим мотивларини биринчилардан бўлиб адабиётга олиб кирган адиб сифатида машҳурдир. У ўз асарларида инсонни ана шу туйғулар асосида тадқиқ этади. Маълумки, экзистенциализм асосан немис мумтоз фалсафаси, хусусан, Гегелнинг идеалистик қарашларига жавобан билдирилган таълимот

хисобланади. Инсон моҳиятини ёритишга қаратилган ушбу таълимотнинг пайдо бўлиши даниялик файласуф Сёрен Киркегор номи билан боғлиқдир. У фалсафада биринчи бўлиб инсоннинг ўз йўлини, шахс сифатидаги ривожланиши ва маънавий камолотини ўзи белгилаши ҳақидаги масалани долзарб қилиб қўйди. Экзистенциализм фалсафасида “экзистенция” тушунчаси асосий тушунчалардан бири ҳисобланади. “Экзистенция” – “мавжудлик” деган маънони билдиради. Экзистенциализм фалсафасига кўра, инсон жамиятда ўзининг қанда эга бўлишидир ролини бажариб боради ва хилма-хил ниқоблар ортида инсоннинг асл қиёфаси яшириниб ётади. Бу асл қиёфа қачон очилиши мумкин, бу қиёфа заминдаги инсон моҳияти қачон юзага чиқади? Бу масала экзистенциализмни ниҳоятда қизиқтириб келди ва ушбу фалсафий оқим инсон ўз ҳаётининг моҳияти ва маъносини англаши учун у эркинликка ва эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши керак, деган фикрларни илгари суради.

М.Хайдеггер фикрича, инсон ички моҳиятининг очилишига ёрдам берувчи асосий воситалар тасвирий санъат ва мусиқадир. Айнан шу соҳаларда инсон табиатида яшириниб ётган ижодкорлик кучлари юзага чиқади.

Ҳозирги жамиятдаги инсон ҳаётга бўлган қизиқишини йўқотиб бормоқда. У табиатнинг гўзаллигини ҳам, бошқа инсонлар кайфиятини ҳам ҳис қилмайди. Инсон фақат ақли билан яшар экан, ақл уни фақат ўз манфаатларини кўзлашга ундайди. Натижада, инсон ҳаётдан эзгулик ўрнига фақат фойда ахтаради. Бундай одамларга ҳаёт зерикарли ва маъносиз бўлиб туюлади. Юракдаги болаларга хос бўлган самимийлик ва ҳайратланиш хусусиятларини сақлаб қолган одамларгина ҳаётнинг гўзаллигини ҳис қилиши мумкин.

Экзистенциализм адабиётининг йирик вакилларида бири бўлган Альбер Камю “Бегона”, “Вабо”, “Англашилмовчилик”, “Калигула”, “Сизиф ҳақида асотир” сингари қисса, роман, пьеса, фалсафий эсселари билан ҳаётлик давридаёқ катта шухрат қозонган ва “ақллар ҳукмдори” деб аталган эди. Ёзувчи ўзининг фалсафий эсселарида инсон дунёдаги барча жараёнларга тийрак кўз билан боқиб, уларни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиб, ўлим ва ҳаётнинг буюк диалектикасини ҳис қилгандагина борлиқнинг ажиб кучи, гўзаллиги ва ранг-баранглигини англаб эта олиши мумкинлиги ҳақидаги ғояни илгари суради. А.Камюнинг фикрича, ҳаёт мазмуни инсоннинг ўзида, унинг оламга бўлган муносабатида мужассамлашган. Шу ўринда А.Камю асарлари фалсафий қарашларининг бадиий инъикоси бўлганлигини таъкидлаш лозим. Муаллифнинг ўзи файласуф бўлиш учун романлар ёзиш кераклигини, “буюк ёзувчилар романнавис файласуф” эканлигини қайд этган эди.

А.Камюнинг бир қанча персонажлари адибнинг фалсафий қарашларини баён этаётгандай ёки муаллиф номидан сўзлагандай тасаввур уйғотади. Масалан, “Сизиф ҳақида асотир” фалсафий эссесидаги абсурд олам мухитида “бегона” қиссаси, “Анлашмовчилик”, “Калигула” пьесалари қаҳрамонлари фаолият кўрсатадилар.

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб А.Камю ижодига муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбек адабиётида ҳам А.Камю ижодининг таъсири сезила бошланди. Таниқли адабиётшунос У.Норматов унга “абсурд туйғусини адабиётга бош қаҳрамон сифатида олиб кирган адиб” деб баҳо берди. Француз адиби ижоди ҳақидаги кўплаб мақолалар чоп этилмоқда. Камю ижодий меросига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Камю инсон ҳаётининг беъмани эканлигини Сизифнинг афсонавий образи орқали гавдаланади. Маккорлиги учун адабий жазога ҳукм этилган Сизиф катта тошни думалатиб тоғ чўққисига чиқай деганда, тош думалаб яна пастга тушади ва бу ҳаракат тўхтовсиз такрорланади. Инсон бундай абсурдга чидай олмай “исён” кўтаради. Ана шундан бери вақт-вақти билан “исён”лар, “инкилоб”лар кўтарилиб, улардан инсон ўзининг Сизифга

хос аҳволдан қутулиш учун стихияли равишда нажот излайди. Ёки борликнинг абсурд моҳияти инсонни ҳаётидаги хатти-ҳаракатини белгилаш, яъни абсурдга бўйин эгиш ёки у билан келишмай яшашни тақозо этади.

Лекин қандай бўлишдан қатъий назар, А.Камю ҳаётни севувчи, ундаги имкониятлардан имкон қадар фойдаланишга интиладиган шахс бўлганлигига ёзувчи ён дафтарчасига қайд этилган Эдгар Понинг саодатга эришишнинг тўртта “шарти” мисол бўла олади. Унга кўра, табиат қўйнида яшаш, суюкли бўлиш, манфаатпарастлик иддаоларидан воз кечиш ва, ниҳоят, ижод қилиш – бахтли бўлишнинг асосий шартларидир. А.Камю ана шу “дастур”га риоя этиб яшаган.

XX аср 80-90-йиллар ўзбек адабий жараёнида инсон “мен”ини тадқиқ этишга эътиборнинг ортанлигида. М.Пруст, Ф.Кафка, Ж.Жойс сингари ижодкорлар қатори А.Камюнинг ҳам ўзига хос таъсири бор деб, ҳисоблаймиз.

А.Камю тарғиб этган ижодий ғоялар ўзбек ёзувчилари асарларида трансформациялашган, миллий колорит билан тўйинтирилган тарзда намоён бўлмоқда.

Унинг асарларида инсонлар ўзлигини англаб етиши, абсурдни ижод қилиш, яратиш орқали енгишни тарғиб этувчи экзистенциализм ғоялари билан суғорилгандир. Мана шу жиҳатлар бадий тафаккур доирасини кенгайтиришда, адабий жараённи бойитишда ижобий роль ўйнамоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. Холбеков М. Экзистенциализм: Альбер Камю. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/muhammadjon-xolbekov-ekzistentsializm-alber-kamyu/>
2. Йўлдошев М., Усмонов Р. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. Тошкент, ШАРҚ, 2002.
3. Камю А. Бунтуящий человек. Москва, Издательство политической литературы, 1990.
4. Норматов У. Назария ва адабий-бадий жараён // Жаҳон адабиёти, №3, 2000.